



MILLIY TIKLANISH

11 (228) ● 2013 йил 27 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

НАВРЎЗ миллийликни, урф-одатларимизни тарғиб қилувчи байрамлар сирасига киради. Бу байрамнинг ўзига хос жиҳати шундаки, қариялар ёш авлод вакилларига бой миллий меросимизни танитади.



ФАРФОНА шахрида "Нефтич" болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзиде минг нафарга яқин йигит-қизнинг спорт машғулотида қатнашиши учун имконият яратилган. Бу мажмуа мамлакатимизда ёш авлод келажаги йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг узвий давомидир.



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Миллий санъат маркази 23-26 март кунлари санъат ихлосмандлари, уста хунармандлар ва меҳмонлар билан гажум бўлди. Бу ерда "Bazar — Art" — 2013" кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди.



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

8 НИГОҲ

● ХАБАРЛАР

Ташаббус ва саховат

Жорий йилнинг 27 мартдан 18 апрелига қадар республикаимиз бўйлаб "Ҳаёт учун!" хайрия форум-марафонининг вилоят босқичлари ўтказилади.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ҳамда "Ҳаёт учун!" кўрак беши саратони миллий уюшмаси томонидан анъанавий равишда ташкил этиб келинаётган мазкур лойиҳанинг асосий босқичи 28 апрель кунини пойтахтда Сюзан Комен (АҚШ) номидаги жамғарма ҳамкорлигида ўтказилади. Анъанага кўра, марафондан тушган маблағлар республикада кўрак беши саратони билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, яъни аёлларни бепул тиббий текширувдан ўтказиш, касалликни даволаш учун зарур дори воситалар харид қилиш ишларига сарфланади.

"Таълим ва мутахассислик — 2013"

28-29 март кунлари пойтахти-миздаги Ёшлар ижод саройида "Таълим ва мутахассислик-2013" кўргазмаси бўлиб ўтади.

Кўргазма Фонд Форум ва Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмагида амалга оширилмоқда. "Таълим ва мутахассислик-2013" халқаро кўргазмаси — Ўзбекистоннинг таълим ва кадр хизмати бозоридаги йирик тадбирлардан биридир. Кўргазмада дунёдаги етакчи олий ўқув юрталар вакиллари ҳамда хорижий ваколатхоналари, шунингдек, кўлаб йирик иш берувчи-ташқилотлар иштирок этишмоқда. Тадбирга ташриф буюрувчиларнинг асосий қисмини 14 ёшдан 35 ёшгача ёшлар ташкил қилади. "Таълим ва мутахассислик-2013" кўргазмаси абитуриент ва иш берувчилар ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқот қилишга катта имконият яратади.

Санъат гунчалари

Ўзбекистон давлат консерваториясида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш ва рағбатлантириш мақсадида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Санъат гунчалари" кўрик-танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди.

Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Бас-такорлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги мусиқа мактабларида таълим олаётган 150 нафарга яқин ёш иқтидорли мусиқачилар дамли, зарбли, ёғоч ҳамда мис дамли чолғулар бўйича ўзаро беллашдилар. Кўрик-танлов якунига кўра, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи ўқувчилари Элёр Қиличев (зарбли чолғу йўналиши бўйича), Бобур Исмоилов (саксафон), Азизбек Қодиржонов (труба)лар голиб деб топилди.

● ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ



Партия электорати манфаатларини таъминлаш

фракция аъзолари қонун лойиҳалари муҳокамасига ана шундай нуқтаи назар билан ёндашмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда юртимизда кечаётган демократик ислохотлар жараёнини янада чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари ва қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда фракция аъзолари, вазирлик ва ташқилотлар раҳбарлари, экспертлар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фракция аъзолари томонидан дастлаб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Рег-

ламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси

муҳокама қилинди. Депутатлар эътироф этишганидек, ушбу қонун лойиҳасига мувофиқ киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар нафақат куй палата, балки ўз электорати ва сайловчилари манфаатларини ифода этувчи депутатлик бирлашмаларининг қонун ижодкорлигига доир фаолияти самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади. Айниқса, мамлакатимизда фаолият юритаётган бошқа сиёсий партиялар билан ўзаро муносабатларини гоёлар кураши, конструктив мулоқот ва соғлом рақобат тамойили асосида куриш имконини беради.

2-бет

● ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Худудий кенгашлар пленумлари

танқидий-таҳлилий руҳда ташкил этилиб, устувор вазифалар белгиланмоқда

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси худудий кенгашларининг 2012 йилдаги фаолияти якунлари ва 2013 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган навбатдаги пленумлари бўлиб ўтмоқда. Йиғилишларда партия вилоят ва шаҳар Кенгашларининг ўтган йилги фаолияти танқидий таҳлил этилиб, жорий "Обод турмуш йили"да амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар, чора-тадбирлар белгиланмоқда.

ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши пленуми кун тартибидан давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ва 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда партия шаҳар Кенгаши фаолиятига оид бошқа масалалар жой олди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик

жамиятини шакллантириш, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш йўлида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш, партияимиз илгари сураётган гоёларни кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, ўтган йилда партия шаҳар Кенгаши томонидан 645 та турли тадбирлар ташкил этилди ва унда 50 минг нафарга яқин юртдошларимиз иштирок этишди.

2-бет

● ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Наврўз — миллий қадриятларимиз бешиги

худудий партия ташкилотларида ўтказилаётган тадбирлар сумалак сайлига уланиб кетди

Наврўзда барча бир-бирига меҳр-оқибат, мурувват кўрсатади. Қариялар ҳолидан хабар олиниб, маҳалла-кўй халқимизнинг ноёб анъанаси саналган ҳашарга отланади. Байрам баҳонасида дўстлик, биродарлик ришталари мустаҳкамланиб, кўни-кўшнилари бир-бирларига кўкларнинг тансиқ таомларини улашадилар. Байрам муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда миллий анъана ва урф-одатларимизга йўғрилган келинсалом, халқ ўйинлари ва лапар-

лар кўнгилларга илиқлик бахш этади. Шу кунларда юртимизнинг барча худудларида Наврўз айёми янада кўтаринкилик билан давом этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда худудий партия ташкилотлари ташаббуси билан миллий байрамга бағишлаб тадбирлар ўтказилди. Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси НТТ канали билан

ҳамкорликда "Истиқлол, Наврўз ва миллий қадриятлар!" деб номланган телемарафон байрамона руҳ ва кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Унга ЎзМТДПнинг худудий Кенгашлари кенг жалб қилинди ва телемарафон доирасида турли хил фестиваллар, маънавий-маърифий тадбирлар ва халқ ўйинларидан иборат танловлар ўтказилди.

3-бет

● МИЛЛИЙ ҒУРУР

Бахтимиз қомуси ҳисобланган Конституция нафақат фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчларини, балки инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришининг муҳим омилли, ҳуқуқий пойдевори, миллий-маънавий тикланиш, миллат ва халқнинг ўзлигини англаш, фуқаролик масъулиятини таъминлашнинг асоси сифатида хизмат қилмоқда. Унинг ҳар бир боб ва моддасида давлат ва жамият қурилиши ва бошқаруви, инсоннинг бахтли, осойишта ва фаровон ҳаёт кечиршининг кафолати ҳамда мезони ҳисобланган тамойиллар ўз аксини топган.

Ўзликни англаш таянчи

5-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



● **ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ**



Партия электорати манфаатларини таъминлаш

фракция аъзолари қонун лойиҳалари муҳокамасига ана шундай нуқтаи назар билан ёндашмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу эса Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мустақил йилларида бошланган миллий маънавий қадриятларни тиклаш, ўзлини чуқур англаб етиш, миллий мустақиллик ғоясини ривожлантириш борасидаги улғув ишларни изчил, бошқичма-бошқич ва тизимли давом эттиришга қаратилган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва қўшимча қўриқиб қўриқиб кўтаришга кўмаклашиш каби устувор вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ийгилишда шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан хўжалик судларида иш юритилишини янада такомиллаштириши, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судига мурожаат қилувчиларнинг ҳаражатлари ва вақтининг тежаллиги, ташкилотлар иқтисодий фаолиятида ўз улушига эга бўлган жисмоний шахслар ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши ҳуқуқий кафолатларининг янада ошиши, хўжалик судлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳамда қонун устуворлиги таъминланишига хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилади. Муҳокамада сўзга чиққан депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган миллий қонунчилик ва суд-ҳуқуқ йўналишида кўзда тутилган устувор вазифалар, шунингдек, ЎзМТДПнинг иқтисодий соҳасидаги мақсадлари, яъни мамлакат ишлаб чиқарувчиларини самарали қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандчилик, сервис соҳасини ва туризмининг ривожлантиришга кўмаклашишда ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашди.

Маълумки, ҳар қандай қонун миллат ва жамяят таррақийтида алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли фракция аъзолари қонун лойиҳаларини тайёрлашда уларнинг ҳар жиҳатдан муқаммал бўлишига интилоқда. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасида ана шу нуқтаи

назардан ёндашилди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида маънавият соҳасида белгиланган юксак маънавият ва ахлоқли эркин масъулиятли комил инсонни тарбиялаш, шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг кадрларини мустаҳкамлашга кўмаклашиш борасидаги долзарб вазифаларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Ийгилишда кун тартибидagi «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тубдан қисқартirilганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Мазкур масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари билдирилиб маъқулланди.

Фракция ййгилишида «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги ҳисоботи тўғрисида»ги масала ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, партиянинг жамятининг ижтимоий таррақийти йўлида тўсиқ бўлган ва халқимиз миллий манфаатларига зид бўлган салбий иллатларга қарши кураш олиб боришни ҳамда мазкур соҳаларда қонунчилик ва ҳуқуқий қўллаш амалиётини доимий равишда такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларни қўллаб-қувватлайди. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан фракция аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида аниқланган айрим хато ҳамда камчиликларнинг бошқа ҳудуд ва тизимларда такрорланишининг олдини олиш мақсадида тегишли назорат органларининг иш самарадорлигини ошириш чораларини кўриш лозимлигини эътироф этишди.

Депутатлар шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиди. Фракция аъзолари эътироф этишгани-

дек, қонун лойиҳасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар ййгини ҳудудда хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тегишли маслаҳат берилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Киритилаётган янги нормалар айнан, маҳаллаларда миллий хунармандчиликнинг янада ривожланишини таъминлаш, ёшларнинг таъмир-тарбиясини янада яқинлаштириш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш билан шуғулланишлари ва бу орқали уларнинг иш билан таъминланишига кенг имконият яратилиши нуқтаи-назаридан партия фракцияси қонун лойиҳасини тўла қўллаб-қувватлайди. Боиси ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида халқ хунармандчилигига хос бўлган «устоз-шоғирд» анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу йўналишни янада такомиллаштириш учун шароитлар яратилиши ва миллий хунармандчиликнинг барча турларини янада ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари ифода этилган.

Фракция аъзолари «Фуқаролар ййгини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилишди. Қонун лойиҳасида фуқаролар ййгинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Олий Мажлис Сенатининг роли ва масъулиятини ошириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, фуқаролар ййгини раиси (оқсоқоли) номзодида кўйиладиган талаблар янада кучайтирилмоқда. Депутатлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, биринчи гада, маҳалла институтининг жойлардаги муайян масалаларни ҳал этишдаги ролини янада кучайтиришга кўмаклашиш каби дастурий мақсадларни амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлишини эътироф этишди.

Фракция ййгилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи-назари шакллантирилди ва тегишли қарори қабул қилинди.

Қамолiddин САИДҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

● **ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА**

Ҳудудий кенгашлар пленумлари

танқидий-таҳлилий руҳда ташкил этилиб, устувор вазифалар белгиланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

—Жорий йил мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди, - деди ййгилишда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев. — Президентимиз таъкидлаганидек: «Обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз. Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат қуркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фэйз-барақа ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади». Ўрни келганда айтиш жоизки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда барча даражадаги депутатлик бирлашмаларидан янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилади. Бу борада партияимиз Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IX-пленумида бир қатор долзарб вазифалар белгиланди. Хусусан, бошлангич, туман, шаҳар ва вилоят партия Кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар мазмун-моҳиятига юртимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, фуқаролар саломадлигини ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари,

техника ва технологиялар билан таъминлаш, профилактика, яъни касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш каби ғоя-мақсадларни сингдириш, электротармақларини ҳимоя қилиш йўналишидаги ишларни янги босқичга кўтариш олдимизда турган долзарб масалалардан саналади.

Пленумда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда бошлангич партия ташкилотлари етакчилари иштирок этди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзолари ҳамда партиянинг вилоят, шаҳар ва туман кенгаши фаоллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, партия Бухоро вилоят Кенгаши томонидан ўтган йили 964 та тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Шунингдек, партия дастурий мақсад ва ғояларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғибташвиқ қилиш мақсадида 60 га яқин давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифаларга бағишланган қатор тадбир, илмий-амалий анжуман

ва семинарларда 200 минг нафардан зиёд фуқаролар иштирок этди.

Ййгилишда ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқиб, партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда электротармақларини ҳимоя қилишда депутатлар корпуси муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

— Ўтган йили барча даражадаги депутатлик бирлашмалари марказда ва жойларда партияимиз ғоя ва мақсадларини амалга ошириш, электротармақларига хизмат қилиш борасида сезиларли даражада фаолият кўрсатишди. Хусусан, партия Марказий Кенгаши, фракцияимиз, Марказий банк ва «Хунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилган «Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти» мавзусидаги семинар доирасида 130 нафардан ортиқ хунарманд ва оилавий тадбиркорга 4 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит берилди. Бунинг натижасида 250 дан ортиқ янги иш ўрнилари яратилди.

Эътироф этиш жоизки, партия Марказий Кенгаши томонидан 2012 йилда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Хусусан, «Жамятида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»нинг ижроси ҳолатини ўрганиш, «Миллий хунармандчиликни

ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш» ва «Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ташаббус сифатида олиб чиқишни тавсия қилиб, ушбу масалаларга оид таҳлилий концепцияни тақдим қилганди. Бу борада жойларда депутатлик гуруҳларимиз бир қатор ташаббусларни сессияларга олиб чиқиди. Жумладан, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ҳам худудда туризмни янада ривожлантириш масаласини вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқди.

Партия Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида жорий «Обод турмуш йили»да ҳам фракцияимиз ва депутатлик гуруҳимиз партияимиз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини янада ривожлантириш, фракцияимиз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурларининг ижросини таҳлил қилиб бориш, ушбу масалани маҳаллий кенгашлар сессияларида ташаббус сифатида олиб чиқиш депутатлик гуруҳларимиз доимий эътиборида бўлиши лозимлиги белгиланди, - деди нотик.

Пленумлар кун тартибидagi масалалар атрофида муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қамолiddин ҲОТАМОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

● **ЎҚУВ-СЕМИНАР**

Дастуриламал маърузалар

мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш партия ташкилотлари эътиборида

— Президентимиз маърузаларининг туб моҳиятида инсон саломадлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, маҳаллани янада обод қилиш, аёлнинг жамятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаолиятини янада ошириш каби эзгу мақсадлар муҳимасан. Шунингдек, дастуриламал маърузаларда кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш лозимлиги, жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ҳали-бери фойдаланилмаётган резерв ва имкониятлар мавжудлиги ва ундан унумли фойдаланиш бугунги куннинг талаби эканлиги алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча даражадаги депутатлари партия сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда ушбу вазифалар ижросини таъминлашга кўмаклашишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган, - деди нотик.

Тадбирда Фуқаролик жамяти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Навоий ҳудудий бўлинимаси раҳбари, ЎзМТДПдан халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Холмамет Раупов “Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида” маъруза қилди. Нотик мамлакатимизда демократик ислохотлар изчил амалга оширилаётгани боис фуқаролик жамяти институтлари мавқеи юксалиб, сиёсий партияларнинг давлат ва жамятдаги роли ошиб бораётганлигига аҳамият қаратди.

— Жорий йилнинг Президентимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши

партия фаоллари ва барча даражадаги депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи Аловиддин Умаров. — «Мустаҳкам оила йили»нинг узвий давоми бўлган мазкур йилда ҳам жамятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлган оила институти ва унинг кадрятларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилади.

Бу партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган «Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари» деган

ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳани амалга ошириш, жамятда меҳр-мурувват, ҳоийлик ва юксак тиббий маданиятни ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш йўналишидаги ишларни янада кенгайтиришни тақозо этади.

Қизгин савол-жавобларга бой тарзда кечган ўқув-семинар якунида давлатимиз раҳбарининг маърузаси юзасидан партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган мақсадли чоралар белгилаб олинди.

Ўқув-семинар давомида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таассуротлари билан қизиқдик.

Турсунпўлат МУҲАММЕДОВ,
ЎзМТДП Қизилтепа туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг ҳар иккала маърузаларида жамятимизнинг асосий таянчи ҳисобланган оила институтини мустаҳкамлаш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва шунинг баробарида бугунги давр талаби бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш йўналишидаги ишларни янада изчил давом эттириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Албатта, биз партия фаоллари ҳам бундай кенг қўламли жараёнлардан четда турмаймиз. Зеро, партияимизнинг мақсад ва вазифаси ҳам юрт тинчлиги ва инсонлар бахту саодати йўлида фаоллик кўрсатишимизни талаб этади.

Шаҳноза РАСУЛОВА,
ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси:

— Оила — муқаддас маскан. Аёл эса ана шу масканнинг нурафшонлигини, ободлигини фэйзини таъминловчи инсон. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилади. Буни юртимиз аёллари томонидан маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор ҳуқуқий асослар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилишда, энг аввало, аёл зотининг жамятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаолиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг маърузалари иш фаолиятимиз учун муҳим дастуриламал бўлади.

Ўралои ТУРДИЕВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

(Давоми.
Бош 1-бетда)

Сурхондарё вилоятида “Миллий ўйинлар-барҳаётдир” шиори остида миллий халқ ўйинлари фестивали, Андижон вилоятида “Кашта тиккан бегойимлар” кўргазма-танлови, Самарқанд вилоятида “Келини келганда кўринг” мавзусида келин саломлар фестивали, Фарғонада “Миллий кадриятларимиз замон билан ҳамроҳанг” шиори остида оммавий маданий тадбирлар, Наманганда “Кадриятлар этади давом” байрам тадбири, Тошкент вилоятида “Кадриятлар кадр топган юрт” байрам фестивали, Тошкент шаҳрида “Наврўз — миллий кадриятларимиз бардавонлиги асоси” байрам тадбири, Бухоро вилоятида “Хуш келдинг, Наврўз!” миллий кадриятлар фестивали сингари бир қатор тадбирлар телемарафон воситасида юртошларимиз ҳукмига ҳавола этилди. Уларда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, ҳамкор ташкилотлар ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



Наврўз — миллий кадриятларимиз бешиги

худудий партия ташкилотларида ўтказилаётган тадбирлар сумалак сайлига уланиб кетди

Махфуза БОЙМИРЗАЕВА, “Дурдона” фольклор-этнографик ансамбли раҳбари, ЎЗМТДП фаоли:

— Наврўз шукуҳи тадбир иштирокчиларининг кўтаринки кайфиятида яққол сезилиб турибди. Ёшариш ва янгиланиш айёми бўлган Наврўзни ҳар йили Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаоллари билан биргаликда кутиб оламиз. Сумалак сайли, миллий урф-одатларимиз ва аъёналаримиз намойиши, миллий хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси тадбирга ўзгача фойда бағишлайди. Бу йилги тадбир ҳам ҳар йилгидек кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Партия ёшларининг теварак-атрофи ободонлаштириш ишларига бош бўлгани, ёши кекса онахонларимиз дошқозон атрофига жам бўлиб, дорилмомон кунлар учун шукрона келтиришаётгани бу байрамнинг улғурлигини намоеён этди. Бизнинг “Дурдона” фольклор-этнографик ансамблимиз ҳам миллий куй-қўшиқ ва лапарларимиз билан тадбир иштирокчиларига байрам кайфиятини улашишга ҳаракат қилмоқда.

ЎЗМТДП Наманган вилоят ҳамда Уйчи туман Кенгаши, туман Хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси туман бўлими ҳамкорлигида Наврўз муносабати билан ташкил этилган байрам тадбири туман аҳолиси, айниқса, ёш авлод вакилларини қамраб олиши билан аҳамиятли бўлди. Унда партия Наманган вилоят ҳамда Уйчи туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳал-

лий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Шунингдек, “Боғ маҳалла” МФЙ худудидида тадбирнинг манткий давоми сифатида миллий урф-одат, аъёна ва кадриятларимизга йўғрилган байрам тантаналари, сумалак сайли ва халқ ўйинлари ташкил этилди. Маҳалла ахли дошқозон атрофидида юртимизга тинчлик, халқимизга омонлик тилашди.

Муайян НИШАНОВА, ЎЗМТДП Уйчи туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:

— Миллий урф-одат ва аъёналаримизга йўғрилган айём муносабати билан ёшлар онгига партиямиз ғояларини сингдириш, аҳоли орасига кириб бориб, аъёларимиз сонини кўпайтириш ва айниқса, маслақдошларимизга байрамона кайфият улашиш мақсадида ушбу байрам тадбирини ташкил этдик. Байрам баҳонасида партия сайловолди Платформасида таъкидланган миллий урф-одат, аъёна ва кадриятларимизни ёш авлод онгига сингдириш каби дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида маҳалла ёшлари, депутатлар ва партия фаоллари билан қариялар ҳолидан хабар олинди. Атрофи ободонлаштириш мақсадида ҳасар уюштирилди. Сумалак сайли асра ёшлар учун унутилмас лаҳзаларни ҳаёда этди.

Умаржон РАСУЛОВ, “Боғ маҳалла” МФЙ раиси:

— Наврўз миллийликни, урф-

одатларимизни тарғиб қилувчи байрамлар сирасига кирди. Бу байрамнинг ўзига хос жиҳати шундаки, қариялар ёш авлод вакилларига бой миллий меросимизни танитилади. Улоқ, кўпқари сингари халқ ўйинларини ўйнаш учун белида белбоғи борлар майдонга тушса, гўзал қизлар момолардан миллий лапар, айтишув, келин салому атқаларини ўғрашиб, маромига етаклаб ижро этишади.

Биз ҳар йили бу байрамни ЎЗМТДП аъзолари билан бирга нишонлаймиз. Миллий урф-одатларимизни қайта тиклаш ва ривожлантиришни асосий мақсадлари сирасига киритган партия бундай тадбирлар орқали кенг жамоатчилик орасига кириб бормоқда, хайрихоҳлари сафи кенгаймоқда. Айниқса, ёшларда бугунги кун шукронаси, миллий кадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти беқиёс.

“Миллий аъёна ва кадриятларнинг қайта тикланишида Наврўзнинг аҳамияти” мавзусидаги тадбир ЎЗМТДП Хоразм вилоят ҳамда Кўшкўпир туман Кенгашлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тантананага йиғилган Кўшкўпирнинг Ўртаёп қишлоғи ахли Наврўзни миллий аъёна ва кадриятларимизга монанд тарзда нишонлади. Истиклол туфайли замонавий қиёфа касб этган 45-умумтаълим мактаби ўйингоҳига йиғилган Ўртаёп ёшлари тайёрлаган сахна кўринишлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият, байрамона руҳ улашди. Мактаб ўқувчилари

ўзларининг моҳир пазанда, кўли гул тикувчи, кучли спортчи эканликларини намойиш қилдилар. Кўклам таомлари жамланган дастурхон атрофида ўтирган устозлар, қишлоқ ахли бу чиқишларни ҳаяжон билан томоша қилдилар. “Ёшлар қаноти” фаоллари ижросидаги миллий куй-қўшиқлар ўзгача жаранглади, миллий аъёналаримиз намойиши қалбларни яна бир қарра ғурурга тўлдирди.

ЎЗМТДП Кўшкўпир туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Умид Исмоилов йиғилганларни байрам билан кутлар экан, истиқлол туфайли Наврўз янада улғурлик касб этганлиги, ЎЗМТДП томонидан миллий аъёна ва кадриятларимизни қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани, бугунги ёшларимиз аждодларга муносиб ворис бўлиб воёга етаётганини алоҳида таъкидлади.

Меҳрибон ТИЛЛАЕВА, ЎЗМТДП Кўшкўпир туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари:

— Тарихий манбаларда Наврўзни халқимиз уч минг йилдан буён нишонлаб келаётгани таъкидланади. Миллий кадриятларимизнинг илдизини ташкил қилувчи ушбу айёмни кенг микёсда нишонлаш, унинг бутун улғурлигини, жозибасини намоеён қилиш, ёшларни ана шундай бетакрор кадрият билан фахрланганига ундаш асосий мақсадимиздир. ЎЗМТДП мақсад ва ғоялари билан бундай ҳамроҳлик сингари алоҳида маъсулият юклайди.

Шоҳида МИРЗАЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

ХРОНИКА

Эзгулик элчиси

миллий байрамга аталган тадбирлар давом этмоқда

СУРХОНДАРЁ

Ҳар йили юртимизда Наврўз байрами катта тантана билан нишонланади. Сана муносабати билан ташкил этилаётган тадбирлар ЎЗМТДП худудий ташкилотларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда Термиз Олимпия захиралари коллежи ҳамкорлигида 21-март “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан “Миллий тикланиш” соврини учун” спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда партия Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти”, “Ёшлар қаноти” етакчилари, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирни халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ш.Арипова кириш сўзи билан очиб, мусобақа иштирокчиларини улғур айём — Наврўзи олам билан чин кўнгилдан муборакбод этди.

Мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга бўлган юксак эътибор туфайли бугун фарзандларимиз жаҳон ареналарида байроғимизни баланд кўтаришмоқда. Соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнига кўмаклашишни мақсад қилган ЎЗМТДП бу борада қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Партия сайловолди Платформасида ёшларни миллий гурурли ва ватанпарвар қилиб тарбиялашга кўмаклашиш халқимизнинг миллий урф-одат, аъёна ва кадриятларига ҳурмат руҳида камол топтириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бугунги тадбир ҳам маъзув дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилди.

Мусобақада иштирокчилар ўзбек миллий спорти турлари саналган “Кураш” ва “Белбоғли кураш” бўйича беллашдилар. Белида белбоғи бор мард ва жасур ёшларни бирлаштирган тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

АНДИЖОН

“Наврўз” байрами муносабати билан юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижонда ҳам байрам сайллари кўтаринки кайфият билан ўтказилмоқда. “Миллий кадриятлар ва Наврўз” деб номланган тадбир ЎЗМТДП Андижон шаҳар Кенгаши ва “Фаробий” маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Миллий урф-одатларимиз давомийлигини сақлаш, Наврўз байрамини юқори савияда ўтказиш, эзгулик, меҳр-муруват ғояларини ўзида мужассам этган миллий аъёналаримизни тарғиб қилиш, уларни чуқурроқ ўрганиш ҳамда ёшларни миллий урф-одатларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром кўрсатишга чорлаш мақсадида ташкил этилган тадбир миллий таомлар ва либослар, хунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси билан янада жозибадорлик касб этди.

— Бу йилги Наврўз Президентимиз таъкидлаганидек: “Обод турмуш йили”нинг Наврўзи, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони етакчи мутахассиси У.Юлчиева. — Бу улғур айём кўрдошларимиз, шу жумладан, ЎЗМТДП сафидаги аъзоларнинг ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Боиси Наврўз халқимизнинг азалий орзу-умидларини амалга оширади, боқий кадриятларимизнинг бардавонлигини таъминлайди. Бу байрамга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда, айниқса, миллий аъёналаримиз, урф-одатларимизга монанд ўтказиш партиямиз дастурий фаолиятидан бери ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий кадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдириш, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсади деб билган ЎЗМТДП дастурий мақсадлари тарғиботи йўлида Наврўзнинг аҳамияти беқиёс.

НАВОИЙ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” ғоясига асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа асосида жойларда турли тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Партия Навоий вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан Наврўз умумхалқ байрами арасида Навбахор туманида ўтказилган “Оила мустақамлиги — турмуш ободлиги” мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай шпор остида ташкил этилди. Унда партия ходимлари, депутатлар, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, “Аёллар қаноти” фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олган халқ депутатлари Навбахор туман Кенгаши депутати, ЎЗМТДП туман Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси Самия Муродова хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган қатор ҳуқуқий асосларнинг моҳияти ҳақида сўз юритди. Жорий “Обод турмуш йили”да аёлларга берилаётган эътибор ва фамхўрлик янги босқичга кўтарилишини таъкидлади.

Йиғилишда партия вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” етакчиси Ш.Расулова сўзга чиқиб, оилаларнинг мустақамлиги кўп жиҳатдан аёлларга, уларнинг маънавий юксаклигига боғлиқлигини эътироф этди. Шунингдек, маърузачи ЎЗМТДП сайловолди Платформасидан келиб чиқиб, юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашга қаратилган тарғибот ишлари ҳақида батафсил маълумот берди.

ХОРАЗМ

ЎЗМТДП Урганч туман Кенгаши ва Республика Иختисослаштирилган Кардиология маркази Хоразм вилоят филиали ҳамкорлигида “Наврўз — миллий кадриятлар бешиги” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Хоразм вилоят ва Урганч туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар, Республика Иختисослаштирилган Кардиология маркази Хоразм филиали қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти аъзолари иштирок этди.

Тадбирни ЎЗМТДП Урганч туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ш.Хусайнов кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни улғур айём билан табриклиди.

Таъкидланганидек, Наврўз ота-боболаримиз томонидан янгилаш ва ёшариш айёми сифатида қадрланиб, авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтиб келаётган байрам ҳисобланади. Бу байрамнинг кириб келиши халқни бирдамликка, аҳил-иноқликка чорлайди. Миллий урф-одатларимиз, аъёна ва кадриятларимиз ана шу байрам баҳонасида янгиача чирой касб этади. Ёшлар халқ сайилларида, сумалак тўла дошқозонлар бошида миллий халқ ўйинлари, куй ва қўшиқлар ижро этиб, ёши улғурлардан дуо олишади.

Наврўз айёми баҳонасида ЎЗМТДП Урганч туман Кенгаши аъзолари, куйи бугун фаоллари ва ёшлар ҳам бир ерга жамланиб, байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлашди. Фольклор дасталари ижросидаги миллий куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ш.ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Жамиятда тиббий маданиятни юксалтириш

бу жараёнда қуйи бўғинлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади

Хуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда, айниқса, сиёсий партиялар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг сайловчи шончини қозониши, хайрихоҳлари ва аъзолари сафи кенгайишида бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги муҳим саналади. Яъни ҳар бир сиёсий партия нуфузи қўйи бўғинлар фаолиятига чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши қошида 10 минг 834 нафар аъзони бирлаштирган 513 та бошланғич партия ташкилоти партиямиз дастурий мақсад ва вазифалари ижросини таъминлаш, ғояларини тарғиб қилиш, электрор манфаатларини ифода этиш ҳамда аҳолининг сиёсий-хуқуқий саводхонлигини юксалтириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқа-

дарё вилоят филиали қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти фикримиз далили бўла олади. Қуйи бўғин 2008 йилда ташкил этилган пайтда аъзолар сони 12 нафардан иборат эди. БПТ фаолларининг саъй-ҳаракатлари билан айни пайтда бошланғич партия ташкилоти аъзолари сони 600 нафардан ортди.

—Йилдан-йилга аъзоларимиз сафининг кенгайишида қуйи бўғин фаолларининг ўрни беқиёс, - дейди БПТ етакчиси Дилшод Аллаев. — ЎЗМТДП Қарши

шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этаётган тадбирларимиз партиямиз ғояларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш, аҳолининг сиёсий, хуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, атрофимизга ҳар жиҳатдан етук аъзоларни бирлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, “Аҳолининг сиёсий-хуқуқий маданиятини юксалтиришда ЎЗМТДПнинг ўрни”, “Тиббий маданият — давр талаби”, “Ёш оилалар мустақамлигини таъминлашда никоҳ шартномаларининг аҳамияти”, “Соғлом турмуш тарafdоримиз”, “Маънавий таҳдидлардан оғох бўлайлик” каби тадбир, давра суҳбатлари ва учрашувлар шулар жумласидандир. Юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда фаол иштирок этиш, партия нуфузини янада мустақамлаш, ЎЗМТДП дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш

мақсадида БПТ етакчиларининг билим ва кўникмаларини юксалтиришга қаратилган ўқув-семинарлар аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Аҳоли саломатлигини мустақамлаш, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида муносиб иштирок этиш ҳамда соғлом ва баркамол авлодни воёга етакзиш мақсадида фаолият юритаётган Қарши туман Болалар шифохонасидаги қуйи бўғин партия вилоят кенгашидаги етакчи бошланғич ташкилотлари сирасига кирди. Ўз сафида 120 нафардан ортқ аъзони бирлаштирган маъзув куйи бўғинга халқ депутатлари Қарши туман Кенгашига ЎЗМТДПдан сайланган депутат Шоира Эшнӣёзова етакчилик қилади. Қуйи бўғин томонидан ташкил этилаётган “Маънавиятга таҳдид — ўзлимизга таҳдид”, “Мангу ва барқарорсан она Ватан”, “Мустақиллик абадийдир”, “Конституция —

бахтимиз қомуси”, “Инсон хуқуқлари — энг олий қадрат”, “Ўзбекистон ёшларининг юксак маънавияти сари одими — жамият тараққиётининг бош мезонидир” каби мавзулардаги қатор тадбирлар нафақат партия фаоллари, балки туман аҳолисини қамраб олаётгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил этилган “Энг намунали туман, (шаҳар) Кенгаши” Республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилоят босқичида партиянинг Қарши туман Кенгаши 1-ўрин, Касби туман Кенгаши 2-ўрин ва Миришкор ҳамда Қарши шаҳар Кенгашлари 3-ўринга лойиқ деб топилди. Партия Кенгашларининг ушбу муваффақиятида, ҳеч шубҳасиз, улар қолда иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотларининг ҳиссаси беқиёс.

Шоҳида МАРС қизи, “Milliy tiklanish” мухбири

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

● ТАШАБУС ВА НАТИЖА



Саъй-ҳаракатларимиз

электорат манфаатларини таъминлашга хизмат қилсин

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби сиёсий партиялар ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, Олий Мажлис палаталарининг қўйма мажлисида эълон қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” сиёсий партиялар фаолиятида янги даврни бошлаб берди. Мазкур дастуриямал ҳужжатда сиёсий партиялар фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган муҳим ва устувор вазифалар белгиланган. Бу эса ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятда мустақам ўрин эгаллашини, барча даражадаги бўғинлар ишини янада такомиллаштиришни, сайловчилар ишончини қозонишда дадил ҳаракат қилишни ҳамда электорат манфаатларини таъминлашда фаоллик ва ташаббускорликни кучайтиришни тақозо этади.

ЎЗМТДП ҳам ўз фаолиятини ушбу масъулиятли вазифани тўла ҳис этган ҳолда амалга оширмоқда. Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, депутатлик гуруҳлари ишини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган 2012 йилда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши томонидан партия дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури”нинг ижроси ҳолатини ўрганиш”, “Миллий хунармандчиликни ривожлантириш шунингдек, хунармандларнинг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш” ва “Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” мавзусини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида ташаббус масала сифатида олиб чиқиш депутатлар олдида асосий вазифа қилиб қўйилди.

ЎЗМТДП Пахтакор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партияимиз депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан мазкур масалалар туман Кенгаши сессиясида ташаббус масала сифатида кўтариб чиқилди. Хусусан, “Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойларда ижроси ҳолатини ўрганиш”, “Хунарманд” уюшмаси туман бўлимини ташкил этиш ва кадрларимиз давомчиларини уюшмага аъзо қилиш, уларни давлат рўйхатида олиш, меҳнат ва суғурта дафтarchаларини очиш, ўрта-маҳсус касб-хунар коллежларида талаб ва ахборот хизмати хунармандчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган бир пайтда соҳани кенгайтириш ва ривожлантириш масаласида туманда айрим муаммо ва кам-

чиликлар учрамоқда. Жумладан, “Хунарманд” уюшмаси туман бўлимини жой билан таъминлаш масаласи ҳали-ҳануз ҳал этилмаган, хунармандчиликнинг мавжуд 25 йўналиши бўйича тумандаги касб-хунар коллежларида бирорта ҳам йўналиш фаолият юритмайди. Таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари Пахтакор туман Кенгаши сессиясининг бу борадаги махсус қарори қабул қилиниши натижасида соҳада қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди. Туманда фаолият юритаётган 20 нафар кадримиз давомчилари “Хунарманд” уюшмаси туман бўлимига аъзо қилинди. Пахтакор деҳқон ва буюм бозорларида норасмий фаолият юритаётган 10 нафар хунармандга тадбиркорлик гувоҳномалари берилди. Ҳозирги кунда темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, касаначилик билан шуғулланувчи кадримиз давомчиларига тижорат банкларидан имтиёзли кредит ажратишга кўмаклашиш, Пахтакор хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида миллий хунармандчиликнинг бир неча турлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ишларини йўлга қўйиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Депутатлик гуруҳи томонидан ЎЗМТДП туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси билан ҳамкорликда аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, партия аъзолари, хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда тарғибот-ташвиқот ишлари, тадбирлар ўтказиш натижаси ўлароқ ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аъзолар сони 100 нафардан зиёдга, БПТлар сони 4га ошди.

Убайдулла НИЗОМОВ,
ЎЗМТДП Пахтакор туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси

● ФАОЛИЯТ

Мафқуравий, маънавий ва маърифий

йўналишдаги ишлар ҳолати муҳокама қилинди, чора-тадбирлар белгиланди

Бугун дунёда кечаятган глобализм жараянларида ахборот хуружларига қарши самарали кураш олиб боришда миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлол-содоқат туйғуларини чуқур синдириш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганини қайд этиш лозим.

Партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшларимизни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш, миллий ғоя ҳамда миллий тикланиш дастурий вазифалари тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида жойларда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан мафқуравий, маънавий ва маърифий йўналишдаги ишларни

янада жонлантириш мақсадида йиғилиш ўтказилди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари, ОАВ ходимлари, етакчи мутахассислар иштирок этдилар.

Тадбирдан кўзланган мақсад партия дастурий мақсад ва вазифаларининг дастурий вазифаларини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масалаларни кўриб чиқиш, бугунги мураккаб мафқуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларни белгилаш, миллий манфаатларимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафқуравий хуружларнинг моҳия-

тини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни мустаҳкамлаш, ёшларни фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тадбирлар режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Тадбирда сўз олган ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари А.Абаев жорий йилда партиянинг мафқуравий, маънавий ва маърифий йўналишида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди.

— Жорий йилда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот технологиялари ва механизмларини ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларни самарали ташкил этиш олдимизда турган долзарб масалалардан саналади. Шунингдек, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти-

ни тарғиб қилишга йўналтирилган давра суҳбати ва учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, бу борада таъсирчан усул ва воситалардан кенг фойдаланиш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Йиғилиш давомида иштирокчилар томонидан партиянинг ушбу йўналишдаги ишларини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақлиф-мулоҳазалар илгар сурилди. Партия дастури тарғиб қилишдаги 2012 йилги фаолиятимиз таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликларимиз аниқланди. 2013 йилда барча имкониятларимиздан кенг фойдаланиш, мақсадли режалар устида изчил иш олиб бориш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Тадбир якунида етакчи мутахассислар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси

● ТАРҒИБОТ

Оила мустаҳкамлиги

ёшлар маънавияти билан чамбарчас боғлиқ

Оила — муқаддас даргоҳ. Бу муқаддас масканда халқимизга хос бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, миллий маънавий муҳит шаклланди. ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан ташкил қилинган “Ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлашнинг маънавий-ҳуқуқий асослари” мавзусидаги давра суҳбатида ана шулар ҳусусида сўз борди. Унда ЎЗМТДП фракцияси аъзолари, партия Қорақалпоғистон Республикаси ва Нукус шаҳар Кенгаши фаоллари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ҳамда Соғлиқ сақлаш вазирлиги мутахассислари, Нукус Давлат Педагогика институтини профессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида оила институти, унинг мустаҳкамлиги ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашига катта эътибор қаратилиб, соғлом дунёқараш ва мустақил фикрга эга ёш авлоднинг тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшлар маънавиятини шакллантириш, уларнинг ватанпарвар, оилапарвар инсонлар бўлиб вояга етишига ҳисса қўшиш, шахсининг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигиндан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш ЎЗМТДПнинг дастурий мақсад-вазифалари сирасига қиради.

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳани амалга оши-

моқда, - деди тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Улуғбек Жалмонов. — Бундан кўзланган мақсад жамиятимиздаги ҳар бир оила вакилларининг маънавий дунёқарашини юксалтириш, сиёсий, ҳуқуқий билимларини ва барча соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида фаолиятини оширишдан иборат.

Дарҳақиқат, оила жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Унинг мустаҳкамлиги, фаровон ва осойишталиги юртининг ободлигига тараққиётини таъминлайди. Мамлакатимизда оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар жорий “Обод турмуш йили”да давом эттирилиб, янги босқичга кўтарилиши иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда Саломатлик ва тиббий статистика институ-

● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Ташаббускорлик ва масъулият

фаолиятимиз мезонига айланмоқда

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим шартини бўлган — кўппартиявийлик тизимини шакллантириш ва сиёсий партияларнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ҳуқуқий асослар яратилди. Булар “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги каби бир қатор қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўйма мажлисида Президентимиз томонидан илгар сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” сиёсий партиялар олдида янги вазифалар қўйди. Яъни, партия фаолиятини янада кучайтириш, сиё-

сий куч сифатида жамиятда мустаҳкам ўринга эга бўлиш, электорат манфаатларини изчил ҳимоя қилиш, депутатлик гуруҳлари ва худудий партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш, жойларда депутатлик назоратини ташкил қилиш бугунги кун талаби ва эҳтиёжга айланган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлик бир-

лашмалари фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

ЎЗМТДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги IX Пленумида партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, олдимизга бир қатор вазифалар қўйилди. Хусусан, жойларда ўтказилаётган ўқув-семинарлар сифатини тубдан ошириш орқали партия кадрлар соҳиятини кучайтириш, тарғибот тадбирларида “Обод турмуш йили” Давлат дастури мақсадлари акс этиши, электорат манфаатларига хизмат қилиш депутатлик бирлашмаларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши таъкидланди. Утган йили партия Марказий Кенгаши томонидан “Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси

ҳолатини ўрганиш” ва “Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар” каби ташаббус-масалани халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқиш тавсия қилинган эди. Ҳозирги кунда депутатлик гуруҳимиз ушбу масала юзасидан иш олиб бориб, навбатдаги сессия кун тартибига киритиш ҳаракатида.

Маълумки, оила мустаҳкамлигини таъминлашда иқтисодий омиллар асосий ўринга эга. Шу боис, партияимиз ғояларидан келиб чиқиб, худудда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш борасида жамоатчилик орасида тарғибот ишларини олиб бормоқдамиз. Эътироф этиш жоизки, юртимизда фойдали меҳнат билан банд бўлган, хусусан, ўз оилавий бизнесини муваффақиятли йўлга қўйган хонадонларга бар-

ча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берилди. Янги иш ўринлари ташкил этилиб, оилалар фаровонлиги юксалиб бораёпти. Шундан келиб чиқиб, худудда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, қорхона ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи ташкилотларда касаначиликни йўлга қўйиш, ёшлар бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишга кўмаклашиш олдимизда турган долзарб вазифа саналади. 3615 нафар аҳоли иштирокати қиладиган “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида 1005 та оила мавжуд. Шундан 1735 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Маҳаллада ўндан ортик қадриятларимиз давомчилиги миллий хунармандчиликнинг темирчилик, ёғоч ўймакорлиги, сангтарошлик, қосибчилик, кашгаччилик, тикувчилик каби йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Маҳалладаги ўттизга яқин кам таъминланган оилалар фарзандлари ана шу хунармандчилик бириктирилди. Ҳозирги кунда маҳаллаларимизда 10 нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланиб, улар тикувчилик, элита пардалар салони, гўзаллик салони ва

аҳолига қўллаб турда сервис хизмат кўрсатадиган дўконларда фаолиятини бошлашди.

Маълумки, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарори билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури” қабул қилинган. Бу борада партия билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури” қабул қилинган. Бу борада партия билан таълим муассасаларида ёшларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир фуқарода қонунга ҳурмат туйғусини шакллантириш, ҳуқуқбузарлик, ичкиликбозлик, гнёҳандчилик, диний экстремизм, одам савдоси ва бошқа жиноий ҳодисаларнинг олдини олиш борасида учрашув, давра суҳбати ва бевосита мулоқотлар уюштириб боришмоқда. Масалан, яқинда ЎЗМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳалла фаоллари, ёшлар, ота-оналар қатори, ички ишлар, адлия ходимлари ҳам иштирок этиб, бир қатор саволларга жавоб беришди.

2013 йил — “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан партия депутатлик гуруҳимиз томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оши-

рилиши режалаштирилган. Жумладан, яқинда Сирдарё туманида “Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришда янги иш ўринларини яратиш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари Сирдарё туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари иштирок этиб, оилавий тадбиркорликни ташкил этишда юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича ўзларининг тақлиф ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Айни кунларда туманининг барча маҳалла ва кишлоқларида хотин-қизлар учун кредит ҳисобига юздан ошқ тикув машиналари олиб берилмоқда. Бу билан жойларда касаначилик, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини барпо этиш кўзда тутилган.

Депутатлик гуруҳимиз партияимиз Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, жорий “Обод турмуш йили”да ҳам фаолиятимизни янги босқичга кўтаришга ҳаракат қилади.

Барно ИСЛОМОВА,
ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати

РЕКЛАМА ЎРНИДА

● БАНК ХИЗМАТИ

Барқарор фаолият сарҳисоби

Юртимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам республикамизда молия-банк тизимида қўлга киритилаётган ижобий ўзгариш ва ютуқларни мамнувият билан таъкидлаб ўтди. Бундай ижобий ўзгариш ва муваффақиятларни юртимиздаги йирик молия муассасаларидан бири бўлган “Микрокредитбанк” очик ақциядорлик тижорат банки фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

рида кредитлар ажратди. Шунингдек, 707 миллиард сўм микромолиявий хизматлар кўрсатиб, бу маблағлар эвазига республикамизда 530 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлади.

Ҳақиқатдан ҳам, ўтган “Мустаҳкам оила йили” молия муассасаси учун ниҳоятда самарали йил бўлди, деб айтишимиз мумкин. Банк асосий эътиборни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яқна тартибдаги меҳнат фаолияти, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш борасида салмоқли натижаларга эришди. Хусусан, банк томонидан кредитлар ажратиш қўлами ҳам барқарор ўсиб борди. Яъни, банк томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар миқдори 381,9 миллиард сўмни ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган имтиёзли микромолиявий хизматлар 204,7 миллиард сўмга етказилиб, белгиланган прагноз-кўрсаткич ижроси ортиги билан таъминланди. Мазкур кредитлар ҳисобига 105 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бу ҳақда йиғилишда сўзга чиққан банк ақциядор ва мижозлари ҳам таъкидлаб ўтишди.

Боймурод ОЧИЛОВ, Бухоро вилояти, “Искандар бобо” фермер хўжалиги раҳбари:

— “Микрокредитбанк” фаолият кўрсатиши билан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳасида янада қулайликлар яратилди, десама адашмайман. Банк ўзининг кам фоизли микрокредитлари билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олишга эришмоқда. Ходимлар жойларга чиқиб фермер, тадбиркорлар учун ўқув-семинар ва тренинглар ҳам уюштирмоқда. Бу билан бизнинг ҳуқуқий саводхонлигимиз ошиб, банк, молия соҳасида чиқарилаётган қарор ва фармонлар билан танишиб бораёпмиз. Ҳар йили банк кўмаги билан деҳқончиликда юқори ҳосил олишга эришяпмиз.

Ноира МИРАҲМЕДОВА, Сирдарё вилояти, Гулистон туманидаги “Фаол захматкаш” тайёрлов савдо корхонаси раҳбари:

— Мен бир неча йилдан буён ушбу банк ақциядори ва мижозиман. Дастлаб 2 нафар ишчи билан банкдан 10 миллион сўм кредит олиб, нон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим. Шундан сўнг, 20 миллион сўм эвазига “Дамас” автомашинасини олиб, иш фаолиятимизни янада кенгайттирдик. Ҳозирги кунда корхонамизда 15 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Кўплаб танловларда ғолиб ва совриндор бўлдим. Мазкур банк мижози эканлигимдан хурсандман. 2013 йилда маҳсулот турларини кўпайтириш ва янги иш ўринлари яратиш ҳаракатидамиз.

Эргаш НАВРЎЗОВ, Самарқанд вилояти, Пасдаргом туманидаги “Сарбон Н Э” фермер хўжалиги раҳбари:

— Биз 336 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Ҳар йили пахта, ғалла режаларини ортиги билан бажариб келаемиз. “Микрокредитбанк”нинг ходимлари бизни қўллаб-қувватлаб, очик чехра ва ширин сўз билан муомалада бўлишади. Фермерларга доимо ёрдам беришади. Банкдан олинган кредитлар ҳисобига техникалар олдим. Айти кунда фермер хўжалигимизда 77 нафар доимий ишчи бор. Келгусида банк билан хўжалигимизда янги тармоқлар очишни режалаштирганман.


Ҳаётнон РАҲИМОВА, Андижон вилояти, Пахтабод туманидаги “Ширин лаззат инвест” МЧЖ раҳбари, ЎзМТДП аъзоси:

— Мен банкдан 31 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Яратилган 15 иш ўринининг ҳаммаси ёшлардан иборат бўлиб, коллеж битирувчиларидир. “Устоз-шогирд” йўналишида иш ташкил қилганмиз. Банк ходимлари бизга тез ва қулай хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг фаолиятини қониқамиз. “Обод турмуш йили”да банк билан ҳамкорликда яна янги иш ўринлари очиш ниятидамиз.

Ўтарбой АЗАТБОЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, ҳунарманд:

— Мен ушбу банк мижози эканлигимдан хурсандман. Мусиқа асбобларини яшаш билан шуғулланаман. Банкдан кредит олиб иш фаолиятимни кенгайттирдим. 8 турдаги мусиқа асбобини қайта тиклашга эришдим. “Асрлар садоси” фестивалида шогирдларим билан ясаган 300 дан ортиқ мусиқа асбоблари билан иштирок этдим.

Айни пайтда банк фаолиятига қатор хориж молиявий ташкилотлар, жумладан, “Fitch Ratings” компанияси халқаро қабул қилинган мезонларга мувофиқ ижобий баҳо бериб келмоқда. Мазкур рейтинг компанияси банкнинг 2012 йилдаги фаолияти бўйича “В” “Барқарор” рейтингини тақдир этган бўлса, жорий 2013 йил февраль ойида банкнинг “В” “Бар-



қарор” рейтингини қайта тасдиқланди. Шунингдек, банк фаолиятининг молиявий ҳисоботлари халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этилишига “Deloitte and Touche” халқаро аудиторлик компанияси томонидан ижобий баҳо берилди.

Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви бўйича “MIX-MARKET” агентлигининг 2012 йилдаги рейтингига кўра “Микрокредитбанк” микромолиявий хизматлар кўрсатишида юқори шаффофликни таъминлаб бермоқда ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатуви банк сифатида қайта эътироф этилди. 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтган “The banker” журнали томонидан ўтказилган “Bank of The Year Awards-2012”, “Йилнинг энг яхши банки”ни тақдирлаш маросимида “Микрокредитбанк” очик ақциядорлик тижорат банки 2012 йилда “Ўзбекистоннинг энг яхши банки” номинацияси бўйича ғолиб, деб эълон қилинди.

Банк томонидан касб-ҳунар коллежларини битириб, айнан эгаллаган йўналишлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган йигит-қизларимизга микрокредитлар ажратилаётгани кўплаб юртимиз ёшларининг ҳаётда ўз ўринларини топишларига замин яратмоқда. Бу борада ўтган йили Голландиянинг Амстердам шаҳрида бўлиб ўтган “Ёшлар молияларини ривожлантириш ташкилоти”нинг биринчи Халқаро Саммити ва тақдирлаш маросимида “Микрокредитбанк” ёшларга молиявий хизматлар кўрсатиш ва таълим дастурлари учун шарт-шароит яратиш бўйича етакчи ўринда эканлиги эътироф этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар қўламини кенгайтириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва молия институтлари маблағларини жалб қилиш ва улар ҳисобидан тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, Жаҳон банкнинг “Қорақалпоғистон Республикасида пиллачиликни ривожлантириш”, Халқаро тараққиёт уюшмасининг “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш II-босқич”, БМТ Тараққиёт дастурининг “Худудларни комплекс ривожлантириш”, Германия жамғарма кассалари фондининг аёл тадбиркорларини молиявий қўллаб-қувватлаш лойиҳалари ҳисобидан қарийб 5 миллиард сўм миқдордаги лойиҳалари молиялаштирилди.

2009-2012 йиллар давомида БМТ Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда гуруҳ кафилиги асосида кредит ажратиш лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилиб келинди. Ушбу лойиҳа самарасидан келиб чиқиб, БМТ Тараққиёт Дастури Кенгаши қарорига биноан дастлабки келишувга мувофиқ жалб қилинган 222,9 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар грант сифатида банк ихтиёрида қолдирилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан республикамизнинг бошқа худудларида ҳам гуруҳ кафилиги асосида кредит ажратиш йўлга қўйилди.

Шунингдек, янги кредит линияларини жалб қилиш мақсадида Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси (АЙФАД) билан 10 млн. АҚШ доллари миқдоридagi маблағ жалб қилиш бўйича келишувга эришилди.

Булардан кўриниб турибдики, “Микрокредитбанк” бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида муайян тажрибага ҳамда молия бозорига ўз ўрнига эга. Кенг қўламли иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, юрт ободлиги ва халқимиз фаровонлиги жараёнида муносиб иштирок этмоқда. Бу эса мижозларнинг “Микрокредитбанк”ка бўлган ишончини оширадиган ва уларнинг яқин кўмақдоши бўлишига хизмат қилади.

Эркин ДОРИПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири


Маълумки, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” ақциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”-ги Фармони асосида иш бошланган мазкур молия муассасаси барқарор ва ишончли микромолиявий ташкилот сифатида юртимиз молия бозорига фаолият юритиб келмоқда. Тошкентда “Микрокредитбанк” очик ақциядорлик тижорат банки ақциядорларининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда банк мутасаддилари, кузатув кенгаши аъзолари, ақциядорлар, мижозлар ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Бўлиб ўтган тадбирда банкнинг 2012 йил фаолияти яқунлари бўйича кузатув кенгаши ва бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда 2013 йилдаги устувор вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра банк-



даги улуши 75 фоизни ташкил этади. Берилаётган кредитларнинг катта салмоғи саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига йўналтирилди.

— Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” ақциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги

Банк активлари миқдори (млрд. сўмда)




нинг жами капитал миқдори 176 миллиард сўмни, жумладан, банкнинг шакланган устав капитали эса 160,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич молия муассасаси ташкил этилганидан буён 2,2 баробарга ошганлигини кўрсатади. Шунингдек, банк активлари миқдори жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 589 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг таркибида даромад келтирувчи активлар миқдори ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 баробар ошди. Банк капиталининг ошиши унинг йирик банктар каторидан мустаҳкам ўрин эгаллашга ҳамда мижозлар сонининг кескин кўпайишига замин яратди.

2012 йил яқунларига кўра, банк активларининг 442,3 миллиард сўми ёки 75,1 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келади. Шундан узоқ муддатли кредитларнинг умумий қўйилмалари-

фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони банкимизнинг амалий вазифасини янада кенгайтириш баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун катта имтиёзлар яратди, яъни, банк устав капитали кўпайтирилди ҳамда микросармоёларнинг фоизлари камайтирилди, - деди тадбирда сўзга чиққан “Микрокредитбанк” ОАТБ бошқаруви раиси Жамшид Сайфидинов.

Айни кунда “Микрокредитбанк” ўзининг 84 филиали, 188 та мини банки ва кўплаб агентликлари орқали юртимизнинг чекка туманлари, олис қишлоқ ва овуллари аҳолисини барча турдаги банк хизматлари билан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиб келмоқда. Банкимиз етти йиллик фаолияти давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1,2 триллион сўм миқдо-

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар (млрд. сўм)



● ТИББИЁТ

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимизда маънан етуқ ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, бугун мамлакатимизнинг тиббиёт муассасалари энг мукамал ва замонавий тиббий техника воситалари билан жиҳозлангани аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши сифатини янада оширди.

Тиббиётда олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жиҳатдан яхшиланиб бормоқда. Бу соҳадаги ишларни кенг қамровда олиб боришда Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги иш-

ларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари соҳа ривожини йўлида дастуриламал бўлмоқда. — Мазкур ҳуқуқий ҳужжатга кўра, жойларда иختисослаштирилган шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилиб, ушбу муассасаларнинг жаҳон андозаларига мос тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлиги хасталикка анақ ташхис қўйиш, беморни самарали муолажа усуллари ёрдамида даволаш имконини берапти, - дейди биз билан суҳбатда Республика иختисослаштирилган акушерлик ва гинекология Илмий-амалий

Она ва бола саломатлиги

Қорақалпоғистон Республикасида устувор вазифа сифатида белгилаб олинган



тиббиёт марказининг Нукус филиали директори ўринбосари Венера Раҳметова. — Айни кунда Қорақалпоғистон Республикасида 1 миллион 711 миң нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, шундан, 480 миңдан ортигини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. 2000 йилдан фаолиятини бошлаган марка-

зимизга тиббиёт фанлари номзоди Қажрамон Қобулов раҳбарлик қилиб келади. Марказимиздаги 826 нафар тиббиёт ходимларининг 51 нафарини акушер-гинеколог, 27 нафарини неантолог, 416 нафарини эса ўрта тиббиёт ходимлари ташкил қилади. 230 ўринли шифохона ва 200 катновга мўлжалланган поликлиникамиз фаолият олиб бормоқда. Бизнинг асосий вазифамиз она ва бола саломатлигини сақлаш, уларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, гинекологик касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлиқни сақлаш ҳамда оналар ва болалар ўлими билан боғлиқ касалликларни камайитиришдан иборатдир. 2012 йилда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Бунинг учун аҳоли ўртасида учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказиб турибмиз. Чақалоқ-

ларга эътибор ва уларни кўрак сути билан боқиб борасида мунтазам иш олиб бораёпмиз. Инсон ҳаёти ва саломатлиги ҳамма нарсадан устун, азиз ҳисобланади. Шундай экан, бу эътибор ва ғамхўрликнинг барчаси инсон ва унинг бахту саодати учундир.

Соғлом авлодни дунёга келтириш, уни камол топтириш, энг аввало, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис мазкур масала тиббиёт соҳасидаги давлат дастурларида устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди. Мухтарам Президентимиз илгари сурган “Соғлом она-соғлом бола” дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланиб улгурди. Ҳар бир тиббиёт ходимидан аҳолига биринчи навбатда, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, она

ва бола саломатлигига эътиборли билан талаб этилмоқда. — Соғлом миллат — юрт таъини ва истиқболини белгилаб беради. Ўтган йиллар мобайнида аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди, - дейди Хўжайли туманидаги 2-оилавий поликлиника мудир Светлана Абжетова. — Поликлиникамиз туманининг 17590 нафар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади. Худудимизда 7 та мактаб, коллеж, болалар интернати, 4 та болалар боғчаси бор. Туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни соғломлаштириш бўйича маълумотлар йиғиш, кундалик мониторинг ишларини олиб бориш билан мунтазам шуғулланамиз. Эрта турмушнинг олдини олиш, ОИТС, ги-

ёҳвандлик, болалар ва қизлар гигиенаси ҳамда турли юқумли касалликлар ҳақида мактаб ва коллежларда давра суҳбати, учрашувлар ўтказиб турибмиз. Тажрибали мутахассислар иштирокида “Фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш” ҳафталигини ўтказдик. Натижада, қишлоқ ва маҳаллаларга чиқиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ва саломатлигини сақлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашга устувор вазифа сифатида қаралаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни янада фаолликка ундайди. Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ана шундай фаоллик ва фидойийлик билан, эл соғлигини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу юмушларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Эркин ЙЎЛДОШ, “Milliy tiklanish” мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРХ

Жаҳон тиллари

Бугунги кунда уларга эътибор янада кучаймоқда



бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши кўзда тутилган. Айтиш ўринлики, бу борада Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидеда кўплаб чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Олий даргоҳнинг Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани, филология фанлари номзоди Илҳом Тўхтаиновнинг айтишича, ҳозир ўзбек адабиётининг энг ноёб дурдона асарлари - "Ўткан кунлар", "Юдузли тунлар", "Улугбек хазинаси", "Дунёнинг ишлари" ва бошқа кўплаб китобхоналар томонидан севиб, мутолаа қилинган асарларнинг тилига содда ва раво тарзда таржима қилинди, ани пайтда мазкур асарлар китоб ҳолида нашр этиш ишлари олиб борилмоқда.

Тил — бизга инъом этилган сўзлаш имконияти. Кўп тил билиш эса нафақат имконият, балки даража ва мавқени ҳам кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз. Олимлар ёшиқда ўрганган билим тошга ўйилган нақшдир, дейишади. Зеро, бугунги ривожланаётган замонда ўсиб-улгайиб келаётган ёш авлод чет тилларни билиши, ўрганиши заруратга айланмоқда.

Дунёда қўлланиш доираси кенг, бошқа тил эгаси ҳам фойдаланадиган тил халқаро ёки жаҳон тили дейилади. Аммо соҳани диққат билан кузатаётган мутахассислар танганинг иккинчи томони борлигини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, сайёрамиз бўйлаб мавжуд тилларнинг 40 фоизи йўқолиб кетиш арафасида. Худди табиатгаддек, тиллар оламида ҳам кучлилар тирок қолаётир. Замонамизнинг энг кучли тиллари қаторига олимлар инглиз, рус ва хитой тилларини киритишмоқда. Камров доираси кичик тиллар ўрта ҳисобда ҳар икки ҳафтада биттадан қайиб кетмоқда, ҳар йили эса бу кўрсаткич 40-50тани ташкил этаётир. Масалан, Африка қитъасидаги Гвинея давлатида маҳаллий Таки тилида бор-йўғи 340 та сўз бор. Бу дунёдаги энг камбағал тил саналади. Аини кунда инглиз,

рус, немис, араб ва испан тилларида сўзлашаётган инсонларнинг ҳисоб-китобини қилиш амримаҳол. Аммо баъзи тиллар борки, уларни ўша тилда суҳбатлашаётганлар ўзлари билан олиб кетиши мумкин. Дунёдаги энг кам одам гаплашадиган тил бу — биқя бўлиб, фақатгина Африка қитъасининг Камерун ва Нигерия давлатлари ўртасидаги қишлоқда яшайдиган 90 ёшли кекса аёлларга тегишли. Кузатувчиларнинг айтишича, бугунги кунда аксарият тилларда жуда кам киши сўзлашмоқда. Боз устига, уларнинг кўпчилиги кекса кишилардан иборат. Кандас тилида Янги Ирландияда кўнинг топган 500 киши ўзaro суҳбатлашади. Латвияда эса ливон тилини тушунадиган 200 киши яшайди, холос. Мутахассислар муаммонинг олдини олишда Лингвистик "Қизил китоб" тузиш лозим, деган ҳазиломуз таклифларни ҳам билдиришган.

Ҳўш, тилларнинг бунчалик шиддат билан йўқолишига сабаб нимада? Аслида ҳеч бир миллат ўз тилининг ном-нишонсиз бўлиши ёки мавқеининг пасайишини ҳам истамайди. Аммо бу борада баъзи омилар, ташқи таъсирлар борлигини инкор қилиб бўлмайди. Табиий жараён — миграция тиллар сонининг қайишишига хизмат қилади. Бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтган одамлар ўз тилларини янги ҳудудга олиб ўтади ёки ўзлари ўша ҳудуд тилига мослашади. Катта тилларнинг кичик тилларни "ёб қўяётгани" ҳам бор гап. Ушбу омилни кам сонли сўзлашувчиларга эга тилларнинг биринчи душмани дейиш ҳам мумкин. Аини пайтда испан ва португал тиллари таъсирида таназзулга учраб бораётганлар қаторида Анд тоғларининг шарқий қисмида қўлланувчи Каллава тиллар гуруҳини келтириш мумкин. Бирок бу тиллар гуруҳида доривор ўсимликлар ҳақидаги маълумотларни бой бериб қўймаслик мақсадида махфий қадимий тил сақланиб қолган. Эҳтимол, шу каби қимматли билимларни ўзида жамлагани учун ҳам ушбу тил 400 йилдан ортиқ вақт давомида умр кўриб келаётгандир.

Бехбуд БОТИРОВ,
"Milliy tiklanish"
шарҳловчиси

Сўзлашувчилар сонига кўра дунёда кенг тарқалган тиллар:

1. Хитой	1 млрд. 400 млн.
2. Инглиз	600 млн.
3. Испан	450 млн.
4. Рус	320 млн.
5. Араб	300 млн.
6. Япон	130 млн.
7. Немис	120 млн.

бўйича электрон ресурслар таяёрланди, умумтаълим мактабларида, касб-хўна қол-лежлари ва академик лицейларда 5 мингдан кўпроқ лингвафон кабинетлари жиҳозланди.

Қарорда белгилаб қўйилганидек, 2013/2014 ўқув йилидан бошлаб, республиканинг барча ҳудудидеда чет тиллар, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг биринчи синфларидан ўйин тарзидаги дарслар ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, 2-синфдан бошлаб, алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштиришдан босқичма-босқич бошланади. Олий ўқув юртларида эса айрим махсус фанлар, хусусан, техник ва халқаро мутахассисликлар

● Мутахассисларнинг фикрича, ўзбек (қадимги туркий) тилини ўрганиш Махмуд Қошғарийдан бошланади. Бу аллома биринчи туркий тилшуноси, адабиётшуноси сифатида ном чиқарган олим бўлиб, ўзининг "Девону луғотиттурк" асарида туркий тилда мавжуд бўлган сўзларни маълум туркумларга (от, феъл, ёрдамчи сўзларга) ажратган. Буюк ватандошимиз Абулқосим Махмуд аз-Замашарий ҳам ўзининг "Муқаддима ул-адаб" асарида отлар, феъллар, боғловчилар ҳақида маълумот берган.

● Олимлар тилларнинг йўқолиш хавфи кучли бўлган ҳудудлар харитасини тузишган:

1. Австралиянинг шимолий ҳудуди.
2. Боливия, Бразилия, Колумбия, Перу ва

Эквадорнинг ҳиндулар истиқомат қилувчи ҳудудлари.

3. АКШдаги Орегон ва Вашингтон штатлари ҳамда Канаданинг Британия Колумбияси провинцияси.

4. Россиянинг Марказий Сибир ҳудуди.

5. Россиядаги Узоқ Шарқ шимоли.

Уларда кичик халқлар, қабилалар тиллари турли сабаблар билан исзис йўқолиб кетмоқда.

● Оғзаки нутққагина эга бўлиб, ҳозир бутунлай йўқолиб кетган тилларнинг сон-саногий йўқ. Ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқ шаклига эга-ю, бироқ амалда мавжуд бўлмаган қадимий тиллар ҳам талайгина. Тилшунослик фанида бу каби тилларни «ўлик тиллар» деб аташади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Тарғибот кучайтирилади

Нью-Йорк шаҳар мэри Майкл Блумбер курул-яроқ рекламаси учун 12 миллион АКШ доллари миқдоридеда маблаб ажратилишини маълум қилган.

Шаҳар мэри бундай режа амеликаликлар томонидан қўллаб-қувватлашига ишонинини билдирган. Ҳозир мутахассислар бир неча турдаги рекламаларни олишмоқда. Шунга ўхшаш роликлар яна 13 та штатда ўтказилиши кўзда тутилган. Эслатиб ўтамиз, бундан қарийб 100 кун олдин АКШнинг Нью Таун штатидаги мактабларнинг бирида содир бўлган отишма оқибатида кўплаб бегуноҳ ўқитувчи ва ёшлар ҳалок бўлган. Шундан сўнг мамлакат бўйлаб курул-яроқдан фойдаланиш, тарқатиш янада авж олди.



Баҳорнинг қори

Украинада 400 шаҳар ва қишлоқлар электр энергиясиз қолган.

Нокулай об-ҳаво шароити пойтахт Киевга ҳам таъсир ўтказмай қолмаган. Қорнинг меъёрдан ортиқ ёғиши натижасида Полтава, Киев, Черкасса каби шаҳарлар чироқсиз қолган. Маълумотларга кўра, 442 та шаҳар ва бешдан ортиқ вилоятларга бориш қийинчилик туғдирмоқда. Синоптикларнинг айтишича, мамлакатда 27 мартдан бошлаб ҳаво ҳарорати бироз кўтарилиши мумкин.



Қутқарув пакети

Банкларни очиш яна қолдирилган.

Кипр марказий банки тарқатган хабарларга қараганда, мамлакатдаги барча банклар 28 мартгача ёпилади. Аввалроқ марказий банк оролдаги энг йорик икки банк — Лаики ва Кипр банкидан ташқари барча тегишли муассасалар 26 март кунини очилишини эълон қилган. Расмийларнинг фикрича, банклар очилишини орта силжитиш қарори "бутун банк тизимининг равои ишлаши" учун қабул қилинган.

Кипрдаги банклар омонатлардан катта ҳажмдаги пул олиб чиқилишининг олдини олиш учун 16 мартдан буён ёпирилган. Ҳукумат мамлакатни иқтисодий инқироздан қутқариш мақсадида халқаро кредиторлардан 10 миллиард евро олиш учун банклардаги депозитларга солиқ солиш қарорини муҳокама қилмоқда. Кипр ҳукумати ва халқаро кредиторлар молиявий ёрдам бўйича 25 март кунини келишиб олишган.



Етарли асослар бор

Лондоннинг «Метрополитен» университетиде қарийб 3 минг нафар ҳорижлик талабанинг визалари бекор қилинган.

Мазкур даргоҳ бундан икки йил олдин Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлар ёшларини ўқишга қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлган. Мамлакат ички ишлар вазирлиги тарқатган маълумотларга қараганда, бунинг оқибатида қарийб 3 минг ҳорижлик талабанинг визалари бекор қилинган. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, чет эллик талабаларнинг ўқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишига уларнинг тил билиш даражаси ва давомати қониқарсиз экани, виза мuddати белгиланган вақтдан ўтиб кетгани сабаб бўлган. Ҳозир ушбу университетда ўттиз мингдан зиёд талаба таҳсил олади.



Ҳориж хабарлари асосида АИБРАГИМОВА тайёрлади

● РАНГИН ДУНЁ

Британия музейи дунёдаги энг йирик тарихий-бадий музейлардан бири бўлиб, Қадимги Миср, Эрон, Греция ва Рим санъатига доир ноёб асарлар, шунингдек, танга, медаллар тўплами, расм, гравюра ҳамда этнографик коллекцияларни ўзида сақлаб келмоқда. Музей коллекциялари умумий майдони 4 километрни ташкил қилувчи 94 та галереядан жой олган.

Музейнинг дастлабки коллекциялари врач ва натуралист, Англия фанлар академияси президенти Ханс Слоун (1660-1753) томонидан тўпланган. Ушанда Ханс бўлғуси музей учун коллекциялар тўплаганини хаёлига ҳам келтирмаган. Унинг вафотидан сўнг танга, антик гемм, қадимги манускрипт, ҳайкал ва ҳайвон тулмалари, шунингдек, гербарийлардан иборат каттагина коллекция давлат ихтиёрига ўтади. 1753 йилнинг декабрида Британия музейини ташкил этиш тўғрисида парламент баённомаси қабул қилинади. Шундан сўнг, музей коллекцияларини янада бойитиш зарурати туғилади. Блумсберидеги Монтегю-хаусга жойлаштирилган музей 1759 йилнинг 15 январиде илк зиёратчиларни қабул қила бошлади. XIX аср бошида музей кол-

лекцияларини бойитиш ишлари шиддатли тус олади. Аввалига музей экспозицияларидан Искандарияни забт этиш чоғида Англия армиясининг французлардан тортиб олган кўҳна Миср ёдгорликлари, қадимги мрамор тошлар, Парфенон ҳайкаллари жой олади. Бу орада музей кутубхонаси, графика ва нумизматика бўлимларида ҳам янги экспонатлар пайдо бўла бошлади. Коллекциялар ҳаддан зиёд кўпайиб кетганидан уларни намойиш этиш учун жой етмай қолади. Музей 1823-1847 йилларда архитектор Роберт Смирк лойиҳаси бўйича қурилган янги бинога кўчиб ўтади. 1881-1883 йилларда эса музейнинг флора ва фауна, геология ва палеонтологияга оид каттагина коллекцияси Янги тарих музейи тасарруфига ўтиб кетади. Иккинчи жаҳон уруши

Дунёдаги энг йирик музей



йилларида музейнинг бошқа экспонатлари ҳам хавфсиз жойларга кўчирилади. Ушанда музей биноси ва кутубхона залы катта талофат кўради. 1972 йили эса музей кутубхонасидан ҳам айрилади. Парламент қарорига кўра, музей кутубхонаси базасида Британия кутубхонаси ташкил этилади. Британия музейи узоқ вақт бинонини қайта тиклаш ва экспонатларни тўплаш билан шуғулланади.

Унинг анча пайт ишламай тургани ҳам шундан.

Музей қадимги Миср ёдгорликларининг қўпчилиги бўйича Қоҳира музейидан кейинги ўринда туради. Аиниқса, инсониятни ҳалигача ҳайратга солиб келаётган Розетта тоши, бир маънони англаувчи уч митрдан иборат битиктош, шунингдек, мўмийлар тўплами, даҳма ва сон-саноксиз ҳайкаллари айтмайсизми... Бундан

ташқари, музей залларида қадимги Юнон ва Рим санъати намуналари — Афина акрополидан келтирилган Элгин мрамори, Апполон ва Ник ибодатхоналаридан олиб келинган фризлар ўрин эгаллаган. Шунингдек, музейда дунёдаги энг йирик соатлар коллекцияси ҳам мавжуд.

Шарқ ёдгорликлари бўлимида асосан Яқин Шарқ мамлакатлари санъатига хос тарихий

ва маданий ашёлар намойиш қилинади. Уларнинг аксарияти сопол, шиша ва ҳайвон сукламини эса бир неча ҳайкаллар, плиталар, ибодатхона маъбудалари ташкил қилади. Хитой санъати учун ажратилган бўлмадан эса бронза буюмлар, тилла, нефрит ва суюқдан ишланган маҳсулотлар, XI-XII асрларга оид қадимий чинни буюмлар коллекцияси жой олган. Бундан ташқари, шарқ ёдгорликлари бўлими япон санъатини ўзида акс эттирган гравюралар, расми дарпардалар, қизил лак билан бўялган идиш ва чинилардан ҳам иборат.

акси туширилган медаллар шодаси ҳам ўрин эгаллаган. Музейнинг этнография бўлими Африка, Осиё, Австралия, Океания ҳамда Америкада яшовчи қабила ва халқлар ҳаётини тўлақонли очиб бера олган. Ушбу экспонатлар жойлашган залда безакли мато, тақинчоқлар, курул-аслаҳа, байрам муносабати билан таққиладиган ниқоблар ва кўзалар намойиш этилади. Бўлим экспонатлари орасида майя, ацтек, пуэбло ҳиндуларининг тақдир, туриш-турмуши ҳақида етарлича маълумот олиш имконияти мавжуд. Океания ҳаётига алоқадор буюмларнинг аксариятини эса капитан Кук саёҳати давомида қўлга киритган ашёлар ташкил қилади. Булар: қуш патларини сақлаш учун мўлжалланган тахта қутлик, патлардан тикилган ёпинчик ва бош кийимлари, Пасха оролидан олиб келинган икки-та тош фигура.

Зафар МУХАММАД

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

Наврўз — 2013

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ташкил қилинган аънавий “Наврўз — 2013” кўргазмаси ўз ишини давом эттирмоқда.

Унда таниқли рассомлар билан бир қаторда ёш, истеъдодли рассомлар ҳам қатнашмоқда. Экспозициялардан рангтаъсир, графика, кичик ҳажмдаги ҳайкалтарошлик буюмлари, амалий-безак санъати намуналари ўрин олган.

Наврўз табиатнинг уйғониш байрамидир. Шу боис, бу кун қадри ҳамisha баян бўлиб келган. Юртимизга баҳор фаслининг кириб келиши, табиатнинг янгилашганини рассомлар ўз асарлари орқали ифодалашга ҳаракат қилишади. Мазкур кўргазмадан жой олган асарларда рассомларимизни мафтун айлаган табиат манзаралари, баҳорий неъматлар, анвойи гуллар, табиат инъомлари, шунингдек, “Баҳорий ҳовли”, “Ховли”, “Тандир”, “Тўйга”, “Тўй”, “Байрам дастурхони”, “Сумалак сайли”, “Чойхонада баҳор”, “Наврўз навоси”, “Тоғ маҳалласи” каби асарларда тарихимиз, миллий қадрият ва аъналаримиз ўз аксини топган.

Кўргазма шу йилнинг 15 апрелигача давом этади.
Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**Ёш рассом
кўргазмаси**

Чортоқдаги 53-умумтаълим мактабиди Тошкентдаги тасвирий санъат коллежи ўқувчиси Нурмухаммад Абдурахмоновнинг “Илк қадам” деб номланган кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ёш мўйқалам устасининг мактабдошларига дастлабки ижодий ҳисобот сифатида тақдим этган расмларини юзлаб ҳамқишлоқлари томоша қилдилар ва маънавий озуқа олдилар.

Кўргазмани кўздан кечирган мутахассислар ҳам, оддий мухлис ҳам рассом ёш бўлишига қарамаддан ўз ишига жиддий ёндашганлигини қайд этдилар. Ҳар бир асарда, у портрет, пейзаж ёки натюр-мортлигидан қатъий назар, мавзунини тўлақонли акс эттиришда, рангларни танлашда, қандайдир ўзига хос жиҳатлари билан бойитишда маҳорат эгаси сифатида намоян бўлганлиги диққатга сазовордир.

— Биринчи навбатда тасвирий санъатга қизиқишимни қўллаб-қувватлаган ота-онам ва мактабдаги устозларимдан миннатдорман, — дейди Нурмухаммад Абдурахмонов. — Коллеждаги ўқиш, устоз рассомлар билан мулоқотда бўлиш менга жуда кўп нарса берди. Келгусида олий ўқув юртида тахсилни давом эттиришни уйлаяман. Чунки ҳали ўрганишим лозим бўлган нарсалар ҳаддан зиёдлигини сезиб турибман.

“Туркистон-пресс”



“BAZAR — ART. Баҳор — 2013”:

ёрқин ранглар жилоси

Пойтахтимиздаги Миллий санъат маркази март ойидаги 23-26 кунларида санъат ихлосмандлари, уста хунармандлар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Бу ерда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Миллий санъат маркази, “ИЖОД” Ўзбекистон рассомлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмалари билан ҳамкорликда аънавий тарзда ўтказиб келаётган энг ёрқин лойихаларидан бири “Bazar — Art” — 2013 “кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтди. Ушбу ярмарка “ИЖОД” уюшмаси қошидаги “Кўнғироқ” студиясининг тақдими билан бошланди.

ошиб бормоқда. Ҳатто юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларидан ҳам хунармандларимиз, усталаримиз келишиб, ўз асарларини кенг халқ оmmasига намойиш қилиб, синовдан ўтишга тгани бизни хурсанд қилмоқда.

Айтиш жоизки, мазкур кўргазма-ярмарка доирасида барча иштирокчилар ва аънавий санъатимизга бефарқ бўлмаганлар учун Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактабининг таниқли намоёнчаси, халқ устаси Қаҳрамон Валиев, Самарқанд кулчилик мактаби давомчиси, академик Шариф Азимов, Тошкент миниатюра ва нақш мактаби ҳақида Ҳамидулла Мирсоатов, Мирғиёс Пулатов, Отабек Тиллаев ва Анвар Маликов ҳамда Нурота каштачилиги ҳақида Тўрақулловлар оиласи томонидан маҳорат дарслари ўтилди.

Рустам ЯКУБОВ, кўргазма-ярмарка иштирокчиси (Тошкент): — Ҳар йили мазкур тадбирчилари сони йилдан-йилга



(ЎЗА) оғани суратлар.

дан буён оилавий тадбиркорлик асосида чинни буюмларига безак бериш билан шуғулланамиз. Кўргазмадан ўзимга бир олам таассурот олдим. Хунармандларнинг ишлари билан танишдик, фикр алмашдик, янгиликлар билан ўртоқлашдик. Иштирокчилар ўзларига ёққан маҳсулотларимизни сотиб олишмоқда. Бу келгусида харидор учун қандай маҳсулотлар зарурлигини билишимизга ёрдам беради, деб ўйлайман.

Абдулла НАРЗУЛЛАЕВ, хунарманд (Бухоро):

— Ҳозирги кунда оилавий тадбиркорлик асосида иш олиб бориб, кулчилик билан шуғулланамиз. Донғи етти иклимга кетган Гиждвон кулчиликда мен олтинчи авлодман. Ота-боболаримиздан ўтиб келаётган бу хунарни фарзандларим ва шогирдларимга ҳам ўргатаёман. Маҳсулотларимиз хорижий давлатларда ҳам ўз ўрнини топиб улгурган. Биз қадимги Гиждвон кулчиликнинг ёрқин ранглари ва безакларини қайта тиклаб, уларга замонавий ҳамда аънавий нақш турларини киритдик.

Ҳасанбой ҲОЖИМАТОВ, хунарманд (Фарғона):

— Ҳозир 23 ёшдаман. Бобомдан атлас, адрас, банорас тўқиш сирларини ўргандим. Мана еттинчи авлодки, бу хунар ардоқлиб, ота-боболаримиздан бизгача етиб келмоқда. Кўплаб қадимий ранг ва гулларни қайта тиклашга эришдик. Миллий матоларимиз бўлган Марғилон атлас ва адраслари ҳақида бугун жаҳон биледи, десам адашмайман. Бугунги ярмаркада ҳам Франциядан келган сайёҳлар бизнинг матоларимизга қизиқиб қолишди. Биз ёшларга бу каби ярмаркалар маҳорат дарслари вазифасини ўта беради.

Таниқли санъат арбоблари ва кўзга кўринган уста-хунармандлардан иборат ҳакамлар хайъати аъзолари кўргазма қатнашчилари асарларини “Аънавий тўқимачилик устаси”, “Аънавий қандакорлик устаси”, “Нақш ва миниатюра устаси”, “Ёғоч ўймакорлиги устаси”, “Зардўзлик санъати устаси”, “Кулчилик устаси”, “Аънавий каштачилик устаси” ва “Аънавий каштачилик устаси” номиналлари билан тақдирланди. Миллий хунармандчилигимиз ривожига ўз меҳнати, изланиши билан ҳисса қўшаётган бир гуруҳ устоз ва шогирдларга махсус грантлар топширилди.

Нурали ЙЎЛДОШЕВ

Бодом

Қадимдан бодом шифобахш неъмат саналади. Унинг мағзида олимлар организм учун фойдали бўлган кўплаб микроэлементлар: рибофлавин, передоксин, тиамин, биотин, фолий ҳамда пантотен кислоталари борлигини аниқлашган.



Ширин бодомни истеъмол қилиш ошқозон яраси ва гастрит пайдо бўлишининг олдини олади. Халқ таъбаотида ширин бодом мағзининг қанд билан аралаштирилгани нафас қисиши, бош айланиши сингари касалликларни даволашда кенг қўлланилади. Аччиқ бодом — озик эмас, фақат дори-дир. Бундай бодом жигар, талок ва буйрақдаги тўқилмаларни очади. Агар унинг яғми пўстлоғи билан ейлса меъдани намликдан тозалайди. Унинг ёғи буйрак ва қовуқни тозалабгина қолмай, тошларни ҳам майдалайди. Бодомнинг бу тури сепкил, нуқтали қонлаш, офтобдан қорайишга қарши кенг қўлланилади.

БИЛАСИЗМИ?

Жорий йилда Нобель мукофотида жуда кўп номзод кўрсатилган. Мукофотга 259 нафар номзод, жумладан, 50 та ташкилот даъвогарлик қилди. Бу рекорд кўрсаткич бўлиб, аввалгиси 2011 йилда қайд этилган эди. Ушанда мукофотга 241 нафар номзод кўрсатилган эди.

Деярли барча тилларда шариклар “шарик” сўзи қўлланган ҳолда айтади: инглиз тилида «ballpoint» реп, испан тилида «boligrafo», италян тилида «penna a sfera» ва «Kugelschreiber» немис тилида. Фақатгина Аргентинада шарикли рўқчалар унинг ихтиросчиси Ласло Биро шарафига “биролар” деб айтади.

ТУРФА ОЛАМ


“Ақлли” кўнғироқ

NOTIFYING DOORBELL ДЭБ НОМЛАНУВЧИ ЭШИК КЎНҒИРОҒИ ОСТАНАДА ТУРГАН МЕҲМОННИ СУРАТГА ТУШИРИБ, ТЎППА-ТЎҒРИ ХОНАДОН СОҲИБИНИНГ СМАРТФОНИГА УЗАТАДИ.

Шу боис, энди эшик очиб учун югуриб бориш ёки “кимсиз” дея сўрашга ҳожат қолмайди. Антика кўнғироқнинг ишлаш принципи келса, кўнғироқ тугмаси босилган заҳоти унга уланган веб-камера ишлаб кетади. Камера муҳрлаган сурат дарҳол PushingBox сервисига, у ердан эса кўнғироқ эгасининг электрон манзилига юборилади. Америкалик кашфиётчи Климент Шторкнинг таъкидлашича, ушбу мосламани истаган киши ўз қўли билан ясаши мумкин. Бунинг учун Arduino очиқ кодли микроконтроллер, эшик кўнғироғи ва веб-камера керак бўлади.

Махсус наклейка

ХИТОЙЛИК ИНЖЕНЕР ВА ДИЗАЙНЕРЛАРИНИНГ ЯНГИ “FINDER” КОНЦЕПТУАЛ МОСЛАМСИ ЗАРУР БУЮМЛАРНИ ТАЙИНЛИ ЖОЙГА ҚЎЙМАЙ, СЎНГ КИДИРИБ ЮРАДИГАНЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН.



Манбада келтирилишича, наклейка кўринишидаги радио-частотали идентификацион мосламани йўқолиш хавфи кўпроқ бўлган буюмларга: калит, кармон, телефон, помада ва ҳоказо нарсаларга ёпиштириб қўйсангиз бўлгани. Кейин эса смартфонга ўрнатилган махсус дастур қидираётган нарсаниги топишга ёрдам беради. Бунинг учун смартфон клавиатурасига топилиши лозим бўлган буюм номи ёзилади. Шундан сўнг, “Finder” қидириладиган нарса қаерда эканини, буюмдан қанча узоқда бўлсангиз “совуқ”, яқинлашганингиз сари “иссик” дея йўналиш бериб туради.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ОНА ТАБИАТ

Баҳор қушлари

табиатга жозоба бағишлайди

Тумшук ва оёқ панжаларини гўё юмий олиб, сўнг офтоб нурида бироз исиниб олишади. Кейин егулик излаб ҳавога кўтарилишади. Бу роҳатмакон жой қушлар учун айни мўдда, жаннатнинг худди ўзи. Фаровонлик мавсуми бошланиб, соҳилда ҳаёт қайнайд.

“Қизил китоб”га киритилган ғозларнинг бир тури — ноёб оққушлар галаси юртимизга биринчилардан учиб келиб, ҳавза бўйларини макон туттишган. Оққушлар янги наслни дунёга келтириш учун уяларини одамлар қадами етмайдиган тўқайзор ва хилват жойларга қўйишади. Бу пайтда тўқайзорлар ўтиб бўлмас ботқоқликлардан иборат бўлади. Улар йил охиригача бир

жуфт жўжа очиб, меҳнатсевар ва гамжур ота-она эканликларини намоян этишади. Чақноқ егулик излаб ҳавога кўтарилишади. Бу роҳатмакон жой қушлар учун айни мўдда, жаннатнинг худди ўзи. Фаровонлик мавсуми бошланиб, соҳилда ҳаёт қайнайд.

Оқ чарлок (чайка) — қаердан ўлжа қидиришни яхши билади ва насибасини албатта топади. Кенг қанотларини ёйиб илиқ ҳаводан қувват олади. Ўлжасини ҳавога кўтариб осонликча илғаб тут

олади. Энг эпчил меҳнаткаш, оиласига садоқатли балиқчи қуш. Ёввойи ўрдак сув сиртида ов қилади. Ёғ билан патларига дам-бадам ишлов беради. Тез-тез ювиниб туради. Полапонлари тухумдан чиққан заҳоти сузишни бошлайдилар. Майда балиқлар унинг жону дили.

Уқки — ўта вазмин учувчи қуш бўлиб, эшитиш қобилияти кучли бўлганлигидан заиф штирени ҳам сезади. Кундузи бир чакирми узоқликдаги ўз ўлжасини кўриб-билиб туради.

Лойхўрак ҳам чиройли қуш. Ташиқ кўриниши чипор бўлиб, тумшуги узун, кўзлари катта-катта, ўзи жуда сезгир. Тумшуги ов учун жуда керакли қурол, тирноқлари ҳам яхши иш беради. Бу жараёнда у ўз топқирлигини намойиш эта олади. Ҳавога кўтарилганда аранг учайтгандек таассурот қолдиради. Аммо у ёнидан бу ёнига солланиб, баъзан айланиб ҳам уча олади.

Какликнинг бир тури бўлган қорабобур (бақлон) сариқ-чипор кўринишга эга. Қизил тумшуги,

оёқ панжалари ва мунчоқдек қопқора кўзлари уни янада чиройли кўрсатади. Узун думи унга алоҳида кўрк бағишлайди. У овозини баралла қўйиб сайраганида кўнғилини хуш этади.

Кенг майдон ва ҳавза бўйлариди соқайш, калхат, сор, савсан каби қушлар ҳам сон-санок сиз. Улар жўжалирини боқиш учун қанот ҳўқиб, бир дам ҳам тиним билишмайди. Жанубдан учиб келувчи бу турфа қушларнинг шовқин-сурони ҳамда табиатнинг уйғониши — баҳор келганлигидан дарак беради.

Қоровултепа сув омбори ҳозирда кўплаб фермер хўжалиқлари қарамоғидаги бог-роғлар, теракзор ва экин майдонларини оби-ҳаёт билан таъминлаб келади. Қир-адирлар қўқаламзорлаштирилиб, йилдан-йилга сўлим масканлар кўпайтирилмоқда.

Матьюра УММАТОВА, Галлаорол туманидаги 26-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Қушлар олами — табиат беази. Улар ўта пазик, сезувчан бўлиб, теварак-атрофининг ифлосланишини биринчилардан сезади ва табиат орасталигини таъминлайди.

Қоровултепа сув омбори қушлар учун озуқа манбаигина бўлиб қолмай жаннатмакон гўша ҳисобланади. Қиш ўз ўрнини баҳорга бўшатиб, табиат уйғона бошлайди ва тирикчилик нишонлари пайдо бўлади. Теварак-атроф гулларга бурканиб, чаманзорга айланади. Мўътадил ва барқарор шамол эсади. Кунлар исиган сайин табиат янада яшнар, чирой оча бошлайди. Жануб томондан турфа хил қушлар галаси бирин-кетин шовқин солиб, жўр бўлиб учиб келишади. Уларни сув омборининг кенг соҳиллари қарши олади.

Қушлар ҳавза бўйларига келиб, шитоб билан шўнғишади.



МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБҮОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибер ЗИЯЕВ, Суван НАҲБИДИНОВ, Мухаммадхон ҚУРОНОВ, Фағружон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир: Жалолоддин САФОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини қиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Бюртма — Г 319, Адади — 13850. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Навбатчи муҳаррир: Камолитдин ХОТАМОВ
Навбатчи: Шоҳида ДАМАНОВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00.
ISSN 2010-7714